

## Урушнинг бошланиши ва натижалари. Бадр ғазотининг аҳамияти



15:06 / 29.09.2020 2623

Шундай қилиб, уруш бошланди. Аввало яккама-якка олишувлар бўлди. Аллоҳ таоло фаришталарни мўминлар билан бирга уруш қилиш учун тушириб, мусулмонларга нусрат берди. Мушриклардан етмиш киши ўлдирилди ва етмиш киши асир олинди. Қурайш мушрикларининг энг катта бошлиқлари – Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф, Утба, Шайба, Валид ибн Утба ва бошқалар ҳам мана шу жангда ўлдирилди. Мўминлардан эса ўн тўрт киши шаҳид бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушган ўлжаларни тақсимладилар. Аммо асирлар ҳақида Умар розияллоҳу анҳу маслаҳат бериб: «Уларни ўлдирайлик», дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу эса: «Улардан тавон олиб, озод қилайлик», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг маслаҳатларини қабул қилдилар. Сўнг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло расулига

итоб қилиб, ваҳий нозил этди. Бу ваҳий Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларига мос эди.

Аллоҳ таоло Анфол сурасида шундай марҳамат қилади:

«Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши тўғри эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи нарчасини ирода қиласизлар. Аллоҳ эса охиратни ирода қиладир. Ва Аллоҳ азиздир, ҳақимдир» (67-оят).

Аллоҳ таоло Анфол сурасида ушбу ғазотни сифатлаб оятлар нозил қилган.

#### *Бадр ғазотининг аҳамияти*

Бадр ғазоти мусулмонлар ҳақиқий нусрат топган ғазотлардан ҳисобланади. Бу нусрат масалани ҳал қилувчи нусрат бўлиб, мазкур ғазот эса Исломнинг келажаги учун асос бўлди. Шунинг учун бу ғазотни Қуръони Карим «Фурқон (ажрим) куни» деб атади, чунки ана шу ғазот ҳақ билан ботилнинг орасини ажратди. Ҳақ аҳлини азиз, ботил аҳлини хор қилди. Анфол сураси мана шу ғазот ҳақида нозил бўлди ҳамда Ислом таълимотларининг дақиқ тарафларини ҳам, уруш ҳақидаги таълимотларни ҳам баён қилиб берди. Мисол учун, душман билан мулоқотга тайёргарлик кўриб бориш, сафларни бирлаштириш, ўзаро низо қилмаслик, жанг ва оғир пайтларда собит туриш, Аллоҳ таолонинг Ўзини зикр қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Бадр ғазотига боғлиқ шаръий ҳукмлар ҳам сура қамровида нозил бўлди. Мисол учун, кўпчилик билан маслаҳат қилиш, уруш вақтида моддий мақсадларнинг ортидан тушишдан огоҳлантириш кабилар. Аллоҳ таолонинг каломини юқори қилишга доимо қаттиқ қизиқиш кераклиги уқтирилди, қўлга тушган ўлжаларни тақсимлашдаги шаръий ҳукмлар баён қилинди. Мазкур ҳолатларнинг ҳаммаси учун Бадр ғазотининг аҳамияти жуда катта бўлди.

**«Ислом тарихи» биринчи китобидан**